

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
“Тўрақўрғон ИЭС куриш
дирекцияси” УК



Курилиш ва инвестиция
бўйича директор
А. И Файзиев
» _____ 2021й

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

**Танлов хужжатларининг мазмуни:
Танлов иштирокчилари учун йўриқнома.**

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ.

- 1.1. Танлов предмети: “Тўрақўрғон ИЭС қуриш дирекцияси” УК **Ишчи ходимларини корхонага олиб келиш ҳамда яшаш манзилларига олиб кетиш учун йўлланма йўловчи ташиш транспорти.** Наманган шаҳар (бекатлари) – ТИЭС (Тўрақўрғон иссиқлик электр станцияси).
- 1.2. Танлов нархи: **276 487 500 (икки юз етмиш олти миллион тўрт юз саксон етти минг беш юз) сўм ҚҚС билан.** Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.
- 1.3. Хизмат бўйича техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.
Ушбу танлов якуни бўйича ҳолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.
- 1.4. Хизмат кўрсатиш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб йил якунига қадар.
- 1.5. Хизмат кўрсатиш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ.

- 2.1. “Тўрақўрғон ИЭС қуриш дирекцияси” УК (бундан кейин – “Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.
“Буюртмачи” манзили: Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Яндама ҚФЙ Қумидон МФЙ.
Эл.адрес: turies@tpp.uz.
- 2.2. Танлов иштирокчиси – “Иштирокчи” деб аталади.
- 2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.
- 2.4. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ.

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмундаги иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 (беш) йил иш тажрибасига ва барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловда иштирок этиш учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади.
 - Хизматларни бажариш учун зарур бўлган малакали мутахасис (хайдовчи), техник соз транспорт ва механизмлар ҳамда уларга хизмат кўрсатиш учун зарур асбоб учқуналарнинг мавжудлиги ва будлиги;
 - Танлов объектига хос объектларга хизмат кўрсатиш тажрибасининг мавжудлиги;

- Шартномалар тузиш юзасидан фуқоралик муомила, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;
 - Ўз кучлари билан илгари кўрсатилган хизматлар ҳажми тўғрисида маълумотлар;
- 3.3. Танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензия ёки гувоҳномага эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.
- 3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасидагилар: мол-мулки мусодара қилинганлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ.

- 4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришлари лозим.
- 4.2. Танлов учун таклифлар, унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар ўзбек тилида “Буюртмачи” ҳамда “Иштирокчи” ихтиёрига кўра лотин ёки кирил алфавитида тақдим этилиши мумкин.
- 4.3. Танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:
- Техник қисм: “Буюртмачи” томонидан қуйидаги бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
 - Нархлар қисми: Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, кўрсатиладиган хизматлар муддати, тўловлар тартиби, якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.
- 4.4. Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади: Техник ва нархлар бўйича таклифлар;
- Техник таклиф: Ташкилотнинг расмий бланкасида тасдиқланган ҳолда, PDF форматида;
 - Техник ҳужжатлар рўйхати: брошуралар ва техник паспортлар ёки ўхшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади, PDF форматида.
- 4.5. Танлов иштирокчиси:
- Фақат битта таклиф бериши мумкин;
 - Тақдим этаётган ҳужжатларнинг ҳақиқий ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ **жавобгар бўлади**;
 - Таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

- 5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган томон (шахс) лар қонунчиликда белгиланган тартибда **жавобгар бўладилар**.

- 5.2. Харид комиссияси давлат харидлари тўғрисидаги Қонунда белгиланган тартибда ҳолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилишга мажбурдир.
- 5.3. “Иштирокчи” ҳолиб деб топилгандан сўнг “Буюртмачи” билан қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР.

- 6.1. “Буюртмачи” танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида:
- Танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида 3 (уч) кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли;
 - Хизмат (иш ёки товар) ни ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат, танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида 3 (уч) кун муддатга узайтирилиши керак;
 - Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ҳам ўзгартиришлар киритилади.
- 6.2. “Иштирокчи” танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда ва манзилга тушунтириш талаби билан “Буюртмачига” сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан 2 (икки) иш кун ичида “Буюртмачи”, агар мазкур сўров “Буюртмачи”га таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида 2 (икки) кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт.
- Танлов ҳужжатларининг қоида ва талабларига кўра тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги шарт.
- 6.3. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг “Буюртмачи”га танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. “Буюртмачи” бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан 3 (уч) иш кун ичида “Иштирокчига” тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.
- 6.4. Танлов натижаларига кўра шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан тузилаётган “Иштирокчи” тақдим этган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

Юрисконсулт:



Б. Хидиров

Ат ва МУ механиги:



А. Насимов

Тўрақўрғон тумани – 2022й